

## **Аждодларни ёд айлаб**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти Гидромелиорация факултети “Мелиоратив гидрогеология” йўналиши 4 курс 416 гурӯҳ талабалари 2021 йил 4 апрел куни ўзларининг мураббийлари доц.Ш.Б.Ақмалов билан биргаликда Самарқанд шаҳрига сафар уюштиришиб у ерда мавжуд тарихий асори атиқалар, бинолар ҳамда қадамжоларни зиёрат қилишди.



Тупроғимизда улғайган, миллатимиз равнақига чексиз ҳисса қўшган ота боболаримиз мақбараларини зиёрат қилиб, уларнинг умр йўлларини ва буюк ишларини эсга олдилар. Ушбу сайоҳат давомида талабалар “Регистон” ансамли, Амир Темур мақбараси, Имом Бухорий мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, Бибиҳоним мажмуаси, Ҳазрати Довуд мажмуаси, Ҳазрати Ҳизр масжиди, Ислом Каримов мақбараси ва шу каби шаҳарнинг кўзга кўринган қадамжоларига ташриф буюришди.



Ушбу тадбирлар Гидромелиорация факултети талабалари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш юзасидан театр, музей ва кино намойишларига ташрифларини амалга ошириш бўйича режа-график асосида амалга оширилмоқда.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**